

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

46 (596)

2007 йил 14 ноябрь



Чоршанба

# Mahalla

Газета 1996 йил январь оидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2

Маҳалла — қадриятлар қадр топган маскан

Молу жонингизни оловдан омон сақланг!

3

Бир уловга 30та гилдирак не керак?

«Янги авлод — 2007» иқтидорларни кашф этди

4

Тадбиркор аёлларимизни Нью-Делида кутишмоқда

Нодон одам ногорага ўхшайдими?

18 ноябрь — Ўзбекистон Республикасининг Давлат байрови қабул қилинган кун

## ФАҲР ВА ҒУРУРИМИЗ ТИМСОЛИ

Пойтахтимиздаги Олий ҳарбий божхона институтида 18 ноябрь — Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кунга бағишланган учрашув бўлиб ўтди.

Республика Маънавият тарғибот маркази, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда ёзувчи ва шoirлар, ўқитувчилар, мазкур академия тингловчилари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари М.Ҳожиматов давлатимиз байроғи герби-миз ва мадҳиямиз каби Ватанимиз мустақиллиги, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва азгу ниятларимизнинг асосий рамзларидан эканини таъкидлади.

Анжуманда қайд этилганидек, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоялаш, аҳолини, айниқса, ёшларни фахр-ифтихор билан яшашига давлат этишида давлатимиз рамзлари, жумладан, байроғимизнинг аҳамияти бекиёсдир. Қуролли Кучлар сафига қақирилган, ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинган ёшлар ҳам давлатимиз байроғи олдида она-юртини кўз қорачиғидек асраб-авайлашга, Ватанга муносиб фарзандлар бўлиш борасида тантанали қасамд қабул қиладилар.

Шу боис ўғил-қизларни тарихимизга ҳурмат, истиқлол ғояларига садоқат, она-Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашдек масъулиятли вазифани бажаришда давлатимиз рамзларининг тарихи, мазмун-моҳияти, ҳаётимизда тутган ўрнини тушуниришга йўналтирилган маърифий тадбирларнинг самараси ва таъсирчанлигини янада ошириш муҳим аҳамиятга эга. Бу ўқитувчилар, тарғиботчилар, барча зийлилар зиммасига катта масъулият юклайди.

Тадбирда Олий ҳарбий божхона институти тингловчилари томонидан тайёрланган адабий-маърифий дастур намойиш этилди.

Назоқат УСМОНОВА, ЎзА муҳбири.



— Яна нима дейсиз?  
— «Mahalla»га тезроқ обуна бўлайлик, вақт ганимат ахир!



Яқинда пойтахтимиздаги Олий умумқўшун қўмондонлик билим юртида Тошкент шаҳри ва вилоятидаги 15 га яқин умумтаълим мактаблари қошидаги ҳарбий-спорт йўналишига ихтисослашган синфларнинг 400 нафар ўқувчиси Ватанига ва ота-онасига содиқ фарзанд, ўз соҳасининг етуқ мутахассиси бўлиб этишишга тантанали равишда ваъда беришди.

Маросимда Чирчиқ шаҳридаги 10-мактабнинг 5-9 синф ўқувчилари ҳам иштирок этдилар. Ушбу мактабда ҳарбий-спорт синфлари жорий йилнинг сентябрь ойида очилган бўлиб, айти пайтда бу синфларда 135 нафар ўқувчи таълим олмоқда.

СУРАТДА: тантанали тадбирдан лавҳалар.

Р.НУРИНБОЕВ олган суратлар.

## Курик-танлов якуни

### “ҚАДРИЯТЛАР БЕШИГИСАН, АЗИЗ МАҲАЛЛАМ”

ушбу шиор остида ўтказилган кўрик-танловнинг республика босқичи якунланди

Маълумки, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви «Камолот» ЕИҲ Марказий Кенгаши билан ҳамкорликда «Қадриятлар бешигисан, азиз маҳаллам» шиори остида «Маҳаллам тарихини урганаман» кўрик-танловини эълон қилган эди. Кеча пойтахтимизда мазкур кўрик-танловнинг республика босқичи беллашувлари бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича ғолиб чиққан фуқаролар йиғинлари жамоалари иштирок этди.

Давоми 2-саҳифада

## САҲНАДА — ИСТЕЪДОДЛАРНИНГ ЯНГИ АВЛОДИ

Пойтахтимиздаги Халқлар дўстлиги саройида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати «Камалак» болалар ташкилоти ташаббуси билан ташкил этилган «Янги авлод — 2007» республика болалар ижодий фестивали ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Давоми 3-саҳифада



## Обуна — 2008

### ҲАМ ОБУНАЧИ, ҲАМ ТАРҒИБОТЧИ

Бугунги кунда «Mahalla» газетаси маҳалладонларнинг сеvimли нашрига айланиб улгурди. Негаки, дастлаб маҳалла тизими ходимларига услубий, маънавий-маърифий кўмак берувчи нашр сапалган «Mahalla» айти пайтга келиб маҳаллалар аҳли, яъни омма сеvim ўқийдиган газета сифатида эътироф этилмоқда.

— Вилотимизда 1458 та фуқаролар йиғинлари мавжуд. Уларнинг барчаси «Mahalla»нинг обуначилари, муштарийлари, дейди «Маҳалла» жамғармаси Тошкент вилоти бўлими раиси К.Шодиметов. — Маҳалла оқсоқоллари, маслаҳатчилари, посбонлари ўз жонқуярликлари билан халқ орасига қанчалик кенг кириб бораётган бўлсалар, уларнинг фаолиятини ҳаққоний ёритиш, эл қувончу ташвишларини ўз саҳифаларига олиб чиқиш орқали «Mahalla» газетаси ҳам аввал маҳаллаларга, сўнгра хонадонларга кириб борди.

Дарҳақиқат, Тошкент вилотида «Mahalla»сиз маҳалла йўқ. Жорий йилда 2008 йил учун матбуот нашрларига обуна мавсуми бошланган, дастлабки бир ой мuddатдаёқ вилотда «Mahalla»га 3008 донна обуна расмийлаштирилди. Айти пайтда «Mahalla»нинг самарқандлик муштарийлари ҳам сеvimли нашрига 2008 йил учун 1837 донна обуна бўлдилар.

ТАХРИРИЯТ

## ЎЗБЕКИСТОН — БУЮК МУТАФАККИРЛАР ЮРТИ

Самарқанд шаҳрида Ислам конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ташкилоти — ISESCO ҳамкорлигида «Ўзбекистон — ислом дунёсининг буюк мутафаккирлари юрти» мавзuida халқаро илмий конференция бўлиб ўтди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида тилимиз, урф-одатларимиз, анъаналаримиз, динимиз қайта тикланди. Муқаддас қадмалар ободонлаштирилди. Айниқса, буюк боболаримиз ҳаётига, уларнинг инсоният цивилизациясида муҳим ўрин тутган ижодий меросига катта эътибор қаратилмоқда. Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Имом Мотуридий, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдуллоҳиқ Ғиждувоний, Бурҳониддин Марғиновий каби улуг алломаларимизнинг юбилейлари кенг нишонланди. Тарихий илдишларимизни ўрганиш, ўзлигимизни англаш борасида бундай хайрли ишлар қалбимизда ўтмишга юксак эҳтиром, келажагимизга қатъий ишонч туйғуларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Ислам конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши мамлакатимизнинг ислом цивилизацияси раvнақига қўшган бекиёс хиссасининг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофи бўлди. Ушбу воқеага бағишлаб 14-15 август кунлари Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида «Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси раvнақига қўшган хиссаси» мавзuida «халқаро илмий конференция бўлиб ўтган эди.

Мамлакатимизда мазкур юксак эътироф муносабати билан илмий-амалий, маданий-маърифий конференциялар, кўргазма ва учрашувлар давом этмоқда. 13 ноябрь кун Самарқанд шаҳрида ўтган «Ўзбекистон — ислом дунёсининг буюк мутафаккирлари юрти» мавзuida халқаро илмий конференция шулар жумласидандир. Унда Марокаш, Тунис, Туркия, Миср, Саудия Арабистони, Баҳрайн, Қатар каби ўнга яқин мамлакатдан исломшунос олимлар иштирок этди. Баҳрайн давлат университети ректори Юсуф Абдулғаффор, Ўзбекистон муслмонлари идораси раиси, муфтий Усмоноҳон Алимов ва бошқалар Ўзбекистон замини асрлар мобайнида ислом маданияти ривожига беимисл хисса қўшиб келаётгани, бунда қадимий Самарқанд ҳам муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидладилар.

Ўзининг тарихий, ноёб архитектура ёдгорликлари билан оламга машҳур Самарқандда уч юзга яқин меъморий ва икки мингдан зиёд археологик ёдгорликлар мавжуд. Азалдан илм-маърифат маркази саналган Самарқанд мадрасаларида етти икклимдан келган толиби илмлар диний ва дунёвий фанлардан сабоқ олган.

Истиқлол йилларида Президентимиз ташаббуси билан Самарқанднинг тарихий шўҳратини тиклаш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилди. 1998 йили буюк муҳаддис Имом Бухорийнинг 1225 йиллиги кенг миқёсда нишонланди. Юртбошимиз ташаббуси ва раҳнамолигида улуг бобомиз хоки қўйилган зияратгоҳ тамоман янгича қиёфа касб этди.

Самарқанд шаҳридаги Чоқардиза қабристонидан Имом Мотуридийга бағишлаб муҳташам макбара қурилди.

— Ушбу анжумандан қўзланган асосий мақсад Ўзбекистоннинг ислом маданияти ва илм-фани ривожига бебаҳо хисса қўшган буюк мутафаккирлар юрти эканини яна бир бор эътироф этиш ва бу алломалар меросини чуқур ўрганиш, тарғиб қилишдан иборат, — дейди ISESCO вакили Абдуллоҳ бин Арафа.

Анжуман давомида «Ўзбекистон ўрта аср муслмон Шарқининг муҳим илмий маркази», «Абу Мансур ал-Мотуридий ва унинг асарлари», «Ўзбекистонда замонавий миниатюра санъати» каби мавзуларда маърузалар тингланди. Анжуман иштирокчиларига «Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган хиссаси» номили ҳужжатли фильм намойиш этилди.

Халқаро конференция қатнашчилари Самарқанддаги қадимий обидалар ва табаррук қадмаларни зиёрат қилдилар. Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Хожа Аҳор Валий, Бибиҳоним, Шоҳи-Зинда мажмуалари, Амир Темура макбараси ва Улугбек расадхонаси, бу ерларда амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари уларда катта таассурот қолдирди.

Умар ибн АБДУЛАЗИЗ АЛ-АНИЙ — Баҳрайн университети профессори:

— Имом Бухорий, Имом Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Мотуридий каби алломаларнинг асарлари ислом оламида қимматли манбалардан ҳисобланади ва бизнинг юртимизда ҳам чуқур ўрганилади. Уларнинг илмий мероси бўйича илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Ўзим ҳам бу борада бир нечта илмий рисоалар яратганман. Мана шу муқаддас заминда турганимдан, буюк мутафаккирлар юртини зиёрат этиш бахтига муяссар бўлганимдан бениҳол мамнунман, яратганга шукроналар билдираман.

Давоми 2-саҳифада

**Mahalla** Тахририят манзили: Тошкент, Матбуотчор, 32-уй

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида

060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

«Матбуот таркатуви» хиссасдорлик жамияти

www.mahalla.uz

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар: Кабулхона — 136-53-93 Тел/Факс: — 133-44-25

Масъул котиб: 136-53-75

Хатлар бўлими: 136-57-62

«М.А.» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассаслар: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрият жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси тахририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2008 йил учун обуна бошланги. Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун кайеурган афзал.





